

Матонат мангуликка етаклар

2-Талабалар турар жойида 10 - май куни "ГИМ" факультети маънавий-марифий ишлари бўйича декан ўринбосари Рўзибоев Ортиқ Рўзибоевич ва тарих фанлари номзоди Доцент Азимов Хаким Имомович, тарбиячи-педагог, психолог Сагдуллаева Дилором Мухиддиновна ташаббуслари билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Мирзиёев Шавкат Миромоновичнинг 9 май - Хотира ва қадрлаш кунига бағишиланган тантанали маросимдаги нутқи юзасидан талабалар билан давра сұхбати ўтказилди. Хотира ва қадрлаш кунининг тарихий аҳамияти ҳақида батафсил маълумот берилди. Халқимизнинг фашизимга қарши фронт ва фронт ортидаги жасорати хусусида кўплаб тарихий манбаалар келтирилди, ёшларимизнинг юксак ватанпарварлик, миллатпарварлик руҳида тарбиялашга алоҳида этибор қаратилди. Фронт ва фронт ортида жасорат кўрсатган юртдошларимиз ҳақида етарли маълумотлар берилди. Катта ўқитувчи Шермуҳаммедова Озода Убайдуллаевна қўшимча қилиб тинчлигимизни қадрига етиш, тинчликни асраш ва огоҳ бўлиб яшашимизни таъкидлаб ўтдилар. Талабалар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олишди. "ГИМ" ва "ҚСХЕА" факультети талабалари фаол қатнашишди.



Тарбиячи-педагог, психолог Сагдуллаева Дилором ахбороти

Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов